O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 10 июнь, №121-122 (3233-3234) Сешанба

## БОЛАЛАР СПОРТИНИ ОММАВИЙ СПОРТГА, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ОММАВИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

*Хабар қилинганидек, 4 июнь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

*Мажлисда 2003 йил 7 февраль куни ўтказилган Ҳомийлик кенгаши йиғилиши баёнининг бажарилиши, жорий йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғарманинг 2003 йилги бюджетини тасдиқлаш, спорт анжомлари, кийим-кечаклари ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўз ҳудудимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари, шунингдек, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг 4-каналини спорт каналига айлантириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.*

*Қуйида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мазкур йиғилиши баёни эълон қилинмоқда.*

Аввало, мажлис иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2003 йил 7 февралдаги йиғилиши баёнининг бажарилиши ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан болалар спортининг ҳолатини тўрт йўналиш (1-4 синф, 5-9 синф, коллеж ва лицейлар, маҳаллалардаги спорт шохобчалари) бўйича ўрганиш асосида спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг сонини аниқлаш ва танқидий баҳо беришга қаратилган таҳлиллар ўтказилгани маълумот учун қабул қилинди.

Ўтган даврда Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан болаларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун равишда камол топишини таъминлаш, мамлакатимизда болалар спортининг асосий йўналиш ва турларини ривожлантиришнинг тиббий ва илмий асосларини яратиш бўйича тавсиялар асосан ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Шунингдек, умумий таълим мактаблари учун 2003-2004 ўқув йилига мўлжаллаб жисмоний тарбия ва болалар спортига оид ўқув дастурлари, дарслик, методик қўлланмалар ҳамда плакатлар тайёрлаш дастури тузилган. "Соғлом оила" мусобақаларини ўтказиш Низоми ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур мусобақалар Наврўз байрами арафасида маҳаллалар миқёсида бошланиб, ҳозирги кунда давом этаётир.

"Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси томонидан мамлакатдаги мавжуд мактаб, коллеж, лицей ва маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш учун зарур спорт анжомлари ҳамда спорт кийимларига бўлган эҳтиёж аниқлаб чиқилган. Миллий қадриятлар ва анъаналарни инобатга олган ҳолда спорт кийимлари намуналари яратилди ва уларнинг кўргазмалари ўтказилган. Кийимлар дизайнининг жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида режалар белгиланган.

Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг бакалавриат, магистратура ва махсус сиртқи бўлимларига болалар спорти учун ва уни ташкил қилиш юзасидан педагог-мураббий кадрлар тайёрлаш, шунингдек, спорт журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари бўйича таълим бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Мажлисда жойлардан билдирилган таклифлар асосида 2003 йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғарманинг 2003 йил бюджети лойиҳалари ишлаб чиқилгани, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари тайёрлангани, ҳомийлардан Жамғарма ҳисоб рақамига 1 июнга қадар 8,2 миллиард сўм ва 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тушгани ҳақидаги ахборотлар ҳам маълумот учун қабул қилинди.

Шу билан бирга, бу борада айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. Хусусан, марказда ва жойлардаги айрим мутасадди раҳбарлар ўта муҳим, миллатимиз келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган бу улуғвор масаланинг моҳияти ва аҳамиятини ҳали-вери тўла тушуниб етмагани сезилмоқда. Шу боис уларнинг фаолиятида юзаки қараш, расмиятчилик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Жамғарма олдида турган вазифаларни тўла амалга оширишда тўсиқ бўлмоқда.

Мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига етарлича эътибор берилмаяпти. Янги болалар спорт иншоотлари ва шохобчаларини қуриш бўйича тайёрланган лойиҳаларда уларни маҳаллий шароитга мослаштириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Баъзи жойларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти ва таълим тизимидаги жисмоний тарбия дарслари масаласини тушунишда чалкашликка йўл қўйилаётир. Бу борада Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус

(Давоми 2-бетда).



## Маҳорат, матонат, шижоат

**Андижондан махсус мухбирларимиз Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ ва Мақсуд ЖОНИХОНОВ хабар қилади**

«Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинлари дастуридан ўрин олган футбол, баскетбол, волейбол ва қўл тўпи мусобақаларининг саралаш босқичи ўз ниҳоясига етди. Андижон вилоятининг Олтинкўл ва Шаҳрихон туманлари стадионларида бўлиб ўтган футбол учрашувларида якуний натижаларга кўра ўз рақибларидан устун келган Наманган, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Бухоро ва Тошкент вилояти вакиллари чорак финалга чиқдилар.

Ажабланарли томони, «А» гуруҳи саралаш учрашувларининг сўнгги турида ҳакам Азамат Шарипов Навоий вилояти жамоасининг уч футболчисини майдондан чиқариб юборди. «С» гуруҳидаги Тошкент — Самарқанд жамоалари баҳсида эса ҳакамнинг ўз вақтида ўйин жиловини қўлга ололмаганлиги оқибатида икки жамоа вакиллари орасида низо келиб чиқди. Ахир, футболчилар майдонга бир-бирига жароҳат етказиш ёки кимнингдир бурнини қонатиш учун тушмайди-ку!

Мусобақаларда Тошкент шаҳри вакилларининг суст қатнашаётганлиги барчани ҳайратга солмоқда. Жиззахда бўлиб ўтган беллашувларда ҳар томонлама устунликларини намойиш этган пойтахт вакиллари бу йилги илк йўқотишларини футбол мусобақаларидан бошлашди. «С» гуруҳидан ўрин олган Тошкент шаҳри жамоаси ўз гуруҳида сўнгги ўринни эгаллаганлиги фикримизнинг исботидир.

Бу йил қўл тўпи баҳслари алоҳида жўшқинлик билан ўтмоқда. Айниқса, гандболчи қизларнинг шижоати, ғалабага бўлган иштиёқи таҳсинга сазовор. Барча тўрт гуруҳда беллашувлар ниҳоятда қизғин кечди. Аммо Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ушбу спорт турига етарлича эътибор берилмаётганлиги афсусланарлидир. Мазкур жамоалар биророта ҳам очкони қўлга киритолмай, сўнгги ўринни «забт этишди». Андижон — Фарғона, Самарқанд — Бухоро жамоалари баҳслари кескин ўтди. Учрашув ғолиби сўнгги дақиқалардагина аниқланди.

Мусобақалар дастуридан ўрин олган енгил атлетика баҳсларига якун ясалди. Бу йил енгил атлетикада турлар сони Жиззахдаги ўйинларга нисбатан ўнтага ошгани юртимизда ушбу спорт тури ривожланаётганидан далолат беради. Янги қўшилган турларнинг ҳаммаси техник жиҳатдан мураккабдир. Эътиборли томони, беллашувлар бўлиб ўтган Олимпия заҳиралари коллежи стадионининг югуриш йўлакчалари замонавий жиҳозланган. Авваллари мусобақаларга спорт анжомлари доимо Тошкент шаҳридан келтирилар эди. Андижонда эса спортчиларга стадион билан бирга жиҳозлар ҳам тортиқ қилинди. Мусобақаларда умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти жамоаси биринчи ўринни, Андижон ва Фарғона вилояти жамоалари иккинчи ва учинчи ўринни банд этишди. Аммо баҳслар мобайнида баъзи бир жамоаларга спортчилар тўғри танланмаганлиги панд берди. Буни Тошкент шаҳри жамоаси мисолида яққол кўриш мумкин. Шаҳар босқичи қониқарсиз тарзда ўтказилгани туфайли улар якунда тўртинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлишди. Шунингдек, Сурхондарё, Сирдарё, Наманган вилоятлари вакиллари ҳам ўз имкониятларидан паст даражада иштирок этдилар.

Сузувчилар эса мусобақаларни давом эттиришмоқда. Андижон Олимпия заҳиралари коллежининг сузиш ҳавзаларида ўтказилаётган мусобақаларда майдон эгалари ўзларининг устунликларини

**Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ олган сурат.**

(Давоми 2-бетда).

Сим орқали кенгаш

## Ғалла ўрим-йиғими — масъулиятли мавсум

*Ўтган шанба куни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ғалла ўрим-йиғими мавсумига тайёргарлик ишлари билан боғлиқ масалаларга бағишланган сим орқали кенгаш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков олиб борди. Кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ва туманлар ҳокимлари, мамлакатимиз агросаноат мажмуига кирувчи вазирлик, қўмита, компания, уюшма, шунингдек, тармоққа хизмат кўрсатувчи идора, ташкилот ва молиявий муассасалар раҳбарлари иштирок этишди.*

Жорий йил об-ҳавонинг бирмунча серёғин келиши бошоқли дон экинлар ривожланиши учун қулай шароит яратди. Айни пайтда республикамизда бир миллион 387 минг гектар майдонда ғалла парвариш қилинди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўзда тутилганидан ҳам зиёд миқдорда ҳосил етиштирилди. Ҳозир Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг кунгай томонларида арпа ҳамда эртапишар буғдой навлари ўримига киришилди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик кўрилди. Бу ишда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 13 майида қабул қилинган қарори дастуриламал вазифани ўтади. Эндиги асосий вазифа фидокорона меҳнат ва катта сарф-харажат эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа фурсатда, нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдан иборат. Дон қабул қилиш пунктлари, элеваторлар, тарозилар ва барча зарур воситалар тахт қилиб қўйилди.

Лекин тайёргарлик ишларини ҳамма жойда ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Бу муҳим ишга Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятларида эътиборсизлик, масъулиятсизлик билан қараш ҳоллари мавжуд.

Шунингдек, комбайнларни мавсумга тайёрлашда ҳам камчиликлар бор. Масалан, Давлат техника назорати органлари томонидан тайёр, деб кўрсатилган 4275 комбайннинг таъмирлаш сифати кўздан кечирилганда, уларнинг 18 фоизида турли хил эҳтиёт қисмлар етишмаслиги маълум бўлди. Ҳукуматимизнинг жорий йилги ғалла мавсумига тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қарорида 25 майгача барча техника воситаларини мавсумга шай ҳолга келтириш кўрсатилган эди. Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган текширишларда Жиззах вилоятининг баъзи ва Тошкент вилоятининг Бўка, Ўрта Чирчиқ туманларида ҳамон комбайнларнинг тўлиқ тайёр эмаслиги аниқланди. Маълумотномаларда тайёр, деб кўрсатилган ўрим техникасида 5-6 тадан камчилик бор.

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида жами 231 та дон тозалаш машиналари ҳозиргача мавсумга тайёрланмаган. Шунингдек, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси тизимидаги корхоналар томонидан ғаллани қабул қилишда намлик ва ифлослик даражасининг меъёридан ошмаслигини назоратга олиш зарур. Ўтган йили ана шундай камчиликларга Зарбдор, Арнасой, Янгиқўрғон, Гулистон, Оқолтин, Шароф Рашидов, Боғдод туманларида йўл қўйилди. Умуман, ўтган йиллаги хатоларни такрорламаслик учун барча чора-тадбирларни кўриш лозим.

Кенгаш кун тартибидаги масала юзасидан "Ўзагромашсервис" уюшмаси раиси Ш.Нишонов, республика Бош прокурори ўринбосари П.Бобожонов, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Т.Танибердиевларнинг ахборотлари тингланди. Шунингдек, йиғилишда ғўза парвариши билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Ш. ЖАББОРОВ,**
**Ҳ. КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**

Қирқиш чизиғи

дай кредитор томонидан ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилиши мумкин.

Кредиторлар йиғилиши томонидан қарор қабул қилишнинг ушбу Қонуннинг 13-моддасида назарда тутилган тартибига мувофиқ кредиторларнинг энг кўп овозини олган шахснинг номзоди хўжалик судига таклиф этилади.

Хўжалик суди ташқи бошқарувни кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарори бўлмаган ҳолда жорий этаётган бўлса, кредиторлар йиғилиши ташқи бошқарувчиликка номзодни хўжалик суди ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқарган пайтдан эътиборан уч ҳафталик муддат ичида кўриб чиқиш, маъқуллаш ва хўжалик судига тақдим этишга ҳақли.

Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилиши томонидан тақдим этилмаган тақдирда, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан ташқи бошқарувчини тайинлайди.

**95-модда. Ташқи бошқарувчини тайинлаш**

Ташқи бошқарувчи хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтда тайинланади.

Ташқи бошқарувчини ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтда тайинлашнинг имкони бўлмаса, хўжалик суди ташқи бошқарувчини ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тайинлайди.

Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилиши керак ва унинг устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

**96-модда. Ташқи бошқарувчини вазифасини бажаришдан озод этиш**

Ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан хўжалик суди қуйидаги ҳолларда озод этиши мумкин:

зиммасига юкланган вазифаларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторлар йиғилишининг қарори асосида. Бундай ҳолларда кредиторлар йиғилишининг қарорида ташқи бошқарувчиликка тавсия этилаётган янги номзод тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак;

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарори асосида;

унинг ўз аризасига биноан;

ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ ташқи бошқарувчи этиб тайинланишига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланган тақдирда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ташқи бошқарувчини ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ажрим дарҳол ижро этилиши керак ва унинг устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Мазкур ажрим устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) бундай ажримнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди.

**97-модда. Ташқи бошқарувчининг ҳуқуқлари**

Ташқи бошқарувчи раҳбарлик ваколатларини амалга оширади.

Ташқи бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли:

кредиторлар йиғилишини ҳамда кредиторлар қўмитасини чақириш;

ушбу Қонуннинг 101-моддасида назарда тутилган чекловларни ҳисобга олган ҳолда қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш;

қарздор номидан келишув битими тузиш;

ушбу Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ ҳақ олиш;

агар ушбу Қонунда ёки кредиторлар билан келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ўзининг вазифаларини амалга ошириш учун бошқа шахсларни уларнинг фаолиятига қарздор маблағларидан ҳақ тўлаган ҳолда шартнома асосида ишга жалб этиш;

ўз вазифаларини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш;

ушбу Қонуннинг 102-моддасида белгиланган тартибда қарздорнинг шартномаларини бажариш рад этилишини маълум қилиш.

Қарздор банкротликка олиб борилганлиги муносабати билан қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўладиган учинчи шахсларга нисбатан ташқи бошқарувчи ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида талаблар қўйишга ҳақли.

Ташқи бошқарувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**98-модда. Ташқи бошқарувчининг мажбуриятлари**

Ташқи бошқарувчи:

қарздорнинг мол-мулкини ўз тасарруфига қабул қилиши ва уни инвентаризациядан ўтказиши;

қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкини қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чора-тадбирлар кўриши;

ташқи бошқарувни ўтказиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш учун махсус ҳисобварақ очиши;

ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиши ва кредиторлар йиғилиши тасдиқлаши учун тақдим этиши;

бухгалтерия, статистика ҳисоби ва ҳисобдорлигини юритиши;

кредиторларнинг қарздорга нисбатан талаблари юзасидан белгиланган тартибда эътирозлар билдириши;

қарздор олдидаги қарзни ундириш чораларини кўриши;

кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши;

кредиторлар йиғилишига ташқи бошқарув режаси бажарилишининг бориши ва якунлари ҳақида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

Ташқи бошқарувчининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**99-модда. Кредиторларнинг талаблари**

Кредиторлар қарздорга нисбатан ўз талабларини ташқи бошқарув амал қилаётган муддатнинг исталган вақтида тақдим этишга ҳақли. Мазкур талаблар ташқи бошқарувчига қарздорнинг почта манзили бўйича юборилади. Кредиторларнинг ушбу модда тўртинчи қисмига мувофиқ аниқланган деб эътироф этиладиган талаблари бу талабларни аниқланган деб белгилаш имконини берувчи ҳужжатлар илова этилган ҳолда ташқи бошқарувчига юборилади.

Ташқи бошқарувчи кредиторларнинг тақдим этилган талабларини кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича кредиторларнинг талаблари реестрига тегишли талаб олинганидан кейин узоғи билан икки ҳафта ичида тегишли ёзув киритади. Ташқи бошқарувчи кўриб чиқиш натижалари ҳақида тегишли кредиторни кредиторнинг талаблари олинган пайтдан эътиборан узоғи билан бир ойлик муддат ичида хабардор қилади.

Ташқи бошқарувчининг кредиторлар талабларини кўриб чиқиши натижалари юзасидан эътирозларни банкротлик тўғрисидаги ишни кўраётган хўжалик судига кредитор бу натижалардан хабардор бўлган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида билдириши мумкин.

Кредиторларнинг ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган муддатда эътирозлар билдирилмаган талаблари ташқи бошқарувчи томонидан аниқланадиган миқдорда, таркибда ва уларни қондириш навбатида аниқланган талаблар деб ҳисобланади.

**100-модда. Кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш**

Кредиторларнинг ташқи бошқарувчи томонидан аниқланган талаблари миқдори, таркиби ва уларни қондириш навбати хусусидаги ушбу Қонуннинг 99-моддасида белгиланган муддатларда берилган

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ*

### Янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддаси биринчи қисмининг қоидалари 2004 йил 1 январдан эътиборан, мазкур Қонун 18-моддаси тўртинчи қисмининг қоидалари эса 2005 йил 1 январдан эътиборан жорий этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў.Султонов) ўз қарорларини янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 24 апрель.

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ*

### БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА

*(янги таҳрири)*

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2003 йил**

